БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 278 (18.156). • 2 декабрь 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

САККИЗТА ЙЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

1981 йил 28 ноябрь куни Совет Иттифоқида Ернинг сакқизта сунъий йўлдоши: «Космос-1320», «Космос-1321», «Космос-1322», «Космос-1323», «Космос-1324», «Космос-1325», «Космос-1326», «Космос-1327», учирилди. 8 та йўлдошнинг ҳаммаси битта учирувчи ракета билан орбитага чиқарилди.

Йўлдошларга космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Лаос Халқ Демократик Республикаси эълон қилинган кунининг 6 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Лаос Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг Бош министри ўртоқ Кейсон Фомвиханга ва Лаос Халқ Демократик Республикасининг Президенти, ЛХДР Олий Халқ мажлисининг Раиси ўртоқ Суфанувонгга табрик телеграммаси йўлладилар. Телеграммада бундай дейилади:

«1975 йилги революция Лаос халқи тақдирида буюк роль ўйнади. Эндиликда Лаос меҳнаткашлари синалган авангард — Халқ Революцион партияси раҳбарлигида туб социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширмоқдалар, республика биринчи беш йиллик планининг партия Марказий Комитети VIII пленуми ўртага қўйган вазифаларини бажариш устида сабот билан ишламоқдалар. Шак-шубҳа йўқки, марксизм-ленинизм ғояларидан руҳланган қардош Лаос халқи мана шу муҳим ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиб, қийинчиликларни бартараф қила олади, мамлакатда социализм негизларини барпо этиш йўлидан ишонч билан олга бораверади.

Пролетар интернационализми принципларига садоқатли Лаос Халқ Демократик Республикаси қардош социалистик давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга, социализм позицияларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда, халқларнинг озодлик ва мустақиллик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, империализм ва гегемонизмнинг тинчлик ишига хатарли кирдикорларига қарши барча тинчликсевар кучларнинг ҳаракат бирлиги учун актив курашмоқда. Лаоснинг Вьетнам ва Кампучия билан бирга кўтариб чиққан ҳамда Жанубий-Шарқий Осиёда яхши қўшничилик ва тинч ҳамкорлик муносабатлари ўрнатишга қаратилган ташаббусини жаҳон жамоатчилиги кенг миқёсда қўллаб-қувватламоқда.

Совет Иттифоқи билан Лаос ўртасидаги дўстона муносабатлар йил сайин ривожланиб, мустаҳкамланмоқда. Сизлар билан бирга биз бундан буён ҳам КПСС билан ЛХРП ўртасидаги, СССР билан ЛХДР ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг бахт-саодати йўлида, тинчлик ва социализм иши манфаатлари йўлида ривожланавериши учун зарур бўлган ҳамма ишни қилаверамиз» (ТАСС).

СССР 60 ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

Келгуси йил ҳосилини кўзлаб

ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА

1981 йил совхозимиз пахтачилиги тарихига ҳам қийинчиликлар, ҳам ғалабалар йили бўлиб ёзилади. Бундай дейишимизнинг боиси бор. Баҳор пахтачилик учун анча ноқулай келди. Ёғингарчиликлар кўп бўлди. Ёз ойларида ҳарорат кўтарилмади. Бунинг устига қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўпайди. Катта майдонларга икки-уч марта қайта чигит экилиши туфайли ғўзаларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилга кириши ва ниҳоят, кўсакларнинг очилиши кечикди. Сентябрь ойининг биринчи ярмида ҳам ғўза парваришини давом эттиришга мажбур бўлдик.

Лекин қийинчиликлар олдида чўчимадик, ваҳимага тушмадик. Пахтадан юксак мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштириш учун нималар қилиш керак бўлса, кунларни тунларга улаб ҳаммасини қилдик. Чопиқчиларимиз, сувчиларимиз, механизаторларимиз, ҳатто химизаторларимиз ҳам бир кунда бир ярим-икки кунлик графикка тенг дала ишларини бажардилар.

Эндиликда ана шу ҳалол меҳнатимиз меваларини кўриб қувонмоқдамиз. Совхозимиз бўйича мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардик. Давлатга 16.380 тонна пахта етказиб бериб, пахтакорлик бурчимизни шараф билан ўтадик. Тайёрлов пунктига жўнатилган «оқ олтин»нинг деярли ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди.

Теримнинг комплекс механизациялаштирилиши ва фан ҳат кунлик суръатнинг кўтарилишида катта роль ўйнади, айни кезда йиллик маррани эгаллашимизда ҳам асосий омил бўлди. Совхозимиз бўйича тайёрланган ялпи пахтанинг 10.500 тоннаси «зангори кема»ларда терилиши сўзимизнинг далилидир. Барча бўлимлар, бригадалар машина теримида яхши кўрсаткичларга эришганини айтиб ўтмоқчимиз. Келаси йилларда ҳам машиналарга кенг йўл очлаверади.

Районимизнинг барча колхозлари ва совхозларида социалистик мусобақа бутун чоралар билан кучайтирилди, унинг якунлари мунтазам эълон қилиб борилди. Ғолиблар рағбатлантирилди. Теримда нисбатан орқада қолаётганлар эса тартибга чақирилиб, илғорлар сафидан ўрин олишга чақирилди. Механик-хайдовчиларимизни и г илғорлари мавсумда 250—300 тоннадан пахта териш ташаббуси билан майдонга чиқдилар ва ваъдаларини шараф билан бажардилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида ҳар доим бўлгани каби, бу йил ҳам Ўзбекистон пахтакорлари ва барча қишлоқ хўжалик ходимлари сўзларининг устидан чиққанликларини мамнунлик билан таъкидлаб ўтди. Ҳа, республикамиз пахтакорлари она-Ватанга 6 миллион тоннадай ортиқ «оқ олтин» етказиб бериб, юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Бу улкан хирмонга бизнинг совхозимиз, юқорида айтиб ўтилганидек, 16.380 тонна пахтаси билан муносиб улуш қўшди. Бизлар бошчилик қилаётган бригадаларда эса ҳар гектар ердан 46—50 центнердан пахта териб олинди.

Биз, пахтакорлар эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмасликка, янги марралар сари дадил қадам ташлашга ўрганганмиз. Бу йилги пахтачиликдаги ютуқларимиз қувончли бўлди. Лекин келаси йил ҳосили ҳақида ҳозирдан жиддий бош қотиришимиз, яъни режаларни аниқ белгилаб олиб, шунга қараб иш тутмоғимиз керак. Агротехниканинг кузги-қишки тадбирлари нечоғли тез ва сифатли ўтказилса, келаси йил мўл ҳосилга шунча мустаҳкам замин яратилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «1982 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни муваффақиятли ўтказиш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарор биз, пахтакорлар учун жанговар программадир. Барча ишларни шу асосда ташкил этмоғимиз лозим. Қарорда Тошкент технологиясини кенг қўлланиш яхши самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу технология бўйича кузги-қишки давирларга мўлжалланган асосий ишлар ҳажми қузда, қисқа муддатларда, анча қулай шароитларда юқори сифатли қилиб бажариб қўйилмоқда ва шу тариқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва эртаги ҳосил олиш учун пухта замин яратилмоқда. Биз келгусида Тошкент технологиясини тўла қўллаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қиламиз.

Районимиз ва совхозимизнинг ерлари шўр тупроқли. Бунинг устига сизот сув юза жойлашган. Қиш фаслида зовурларни чуқурлаштириб, сизот сувни камайтиришимиз шарт. Шунда шўр ҳам камаяди. Ғўзапояни тез кунларда йиғиштириб олиб, ерларни белгиланган миқдорда минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаб шудгорламоғимиз керак. Бундай дейишимизга сабаб бор. Кузги шудгор пахта ҳосилдорлигини гектар боши ҳисобига 4—5 центнер кўтаришга ёрдам беради.

Пахтадан юқори ҳосил олишнинг муҳим шартларидан бири ерларни айниқса органик ўғитлар билан яхшироқ озиқлантиришдан иборатдир. Гўнг, қўй қийи, эски иморатларнинг тупроғи, чиритилган турли чиринди лар шудгорлашдан олдин ерга солингандан қийи қатламга чўкиб, қиш бўйи тупроқни қиздиради, донадорлигини оширади. Биз шуни ҳисобга олиб, кузги шудгорлаш пайтида ҳар гектар ерга 25—30 тонна органик ўғитлар солишни қоида қилиб қўйдик. Бошқа бригадаларга ҳам шу методни тавсия этдик. Бунинг учун чорва комплекслари, фермалар, колхозчилар, совхоз ишчилари, хизматчиларнинг молхоналари, қўйхоналари, паррандахоналаридан истаганча органик ўғитлар топиш мумкин.

Бугуннинг бош вазифаси пахта йиғим-теримига сафарбар этилган кишиларнинг ҳаммаси, мавжуд механизм -агрегатлар ғўзапояни тезкорлик билан йиғиштириб олишга жалб этилмоғи, ер ҳайдаш тракторлари тўла ишга туширилиб, кузги билан 8—10 иш кунида пахта майдонлари шудгорланиб бўлиши керак. Бу билан келаси йил юқори ҳосилига мустаҳкам пойдевор қўйган бўламиз. Биз бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари мўл пахта ҳосили учун курашда ҳамиша олдинги сафда келдилар, бундан кейин ҳам олдинги сафда бораверадилар.

Қундузой ХУШВОҚОВА,
Комилжидин ЕРМАТОВ,
Юсуфжон АБДУҚОДИРОВ,
Фарғона область, Киров районидаги Октябрь Революцияси орденли «Бешариқ» совхоз-техникуми пахтачилик бригадалари бошлиқлари.



Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхоз пахтакорлари келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратмоқдалар. Далаларни ғўзапоялардан тозалаш ва ер ҳайдаш конвейер усулида давом эттирилмоқда. Механизаторлар ишда сифатга алоҳида эътибор беришяпти. Суратларда: (юқорида ўнгдан) совхоз директори Худоёр Латипов 3-бўлим бошқарувчиси Эргаш Жўраев билан шудгор сифатини кўздан кечиришмоқда. Пастда эса ер ҳайдаш пайти.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

Деҳқон бўлсанг, шудгор қил!

Республика областларида шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 1 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда шудгорланган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	1,5	100,0
ҚҚАССР	0,7	89,3
Сирдарё	3,5	70,9
Жиззах	3,8	67,0
Хоразм	0,5	46,3
Наманган	3,9	41,0
Фарғона	2,9	39,8
Андижон	3,4	30,4
Қашқадарё	2,0	30,0
Бухоро	1,4	27,0
Самарқанд	1,1	26,1
Сурхондарё	0,7	12,0
Республика бўйича:	2,2	46,8

ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

1981 йилги ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун барча резерваларни ишга тушириш масалалари Фарғона область партия комитети пленумининг диққат марказида бўлди. Пленум қатнашчилари область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган хулосалар ва қоидаларни бажариш соҳасидаги вазифаларини муҳокама этдилар. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров доклад қилди.

Область меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик бошида муайян муваффақиятларга эришганликлари қайд этиб ўтилди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, мактаблар, касалхоналар ва болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Қишлоқ меҳнаткашлари давлатга пахта, дон, пилла, картошка, мева, сабзавот сотиш плани ҳамда социалистик мажбуриятларини адо этдилар.

Шу билан бирга, сўзга чиққан кишилар қайд этиб ўтишганидек, областдаги мавжуд меҳнат ресурслари ва моддий ресурслардан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Камчиликларни тугатиш, барча резервларни сафарбар этиш, область халқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Пленум область партия ташкилотининг КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини кучайтириш соҳасидаги вазифаларни ҳам муҳокама қилди.

Пленум ўн биринчи беш йилликда ва 1982 йилда областни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планлари, шунингдек 1982 йилги маҳаллий бюджет лойиҳасини асосан маъқуллади. (ЎзТАГ).

КАСАБА СОЮЗЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Ўзбекистонда республика тармоқ касаба союз комитетларининг ҳисобот-сайлов конференциялари ўтмоқда. Конференцияларнинг делегатлари шуни мамнуният билан қайд этмоқдаларки, касаба союзлари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсияларига амал қилиб, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида социалистик мусобақани ривожлантиришдаги ролларини оширдилар. Нотиқлар касаба союзларнинг ишини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни киритмоқдалар.

Касаба союз ташкилотлари «Ўзаро эътиродлардан — ўзаро ёрдам сари» шиори остида Муборак газ комплекси учинчи навбати қувватларини барпо этиш ва ўзлаштиришда турдош касб эгаларининг социалистик мусобақасини авж олдириб юборилар, бу эса ана шу қувватларни муддатидан илгари фойдаланишга топширишни таъминини берди. Жумладан, нефть ва газ саноати ишчилари касаба союзи конференциясида шу ҳақда гапирилди.

Доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг фаолияти активлашди, бу кенгашлар экономика, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолди.

Конференцияларнинг делегатлари меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини, медицина хизматини, уларнинг дам олишини ташкил этишни яхшилаш соҳасидаги иш тажрибасини ўртоқлашдилар. Касаба союзларнинг КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш борасидаги иши юксак талабчанлик билан кўриб чиқилди.

Республика кўмир, ўрмон, қоғоз, ёғочсозлик саноати, электростанциялар ва электртехника саноати, автотранспорт ва шоссе йўллар ишчилари, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союз комитетларининг ҳам конференциялари бўлиб ўтди.

Конференцияларда республика тармоқ касаба союз комитетларининг янги раҳбар органлари сайланди. (ЎзТАГ).

БУХАРЕСТГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг мажлисида қатнашиш учун 1 декабрда Москвадан Бухарестга жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари В. Ф. Мальцев, Н. М. Пегов, О. Б. Рахманин, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Бугун А. А. Громико Бухарестга келди. Аэропортда уни РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Ш. Андрей, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Руминиядаги элчиси В. И. Дрозденко бор эди. (ТАСС).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ҚУРУВЧИЛАР ЗАРБДОР ВАХТАДА

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг Жарқўрғондаги 26-трести коллективи йиллик планни муддатидан илгари бажарди. Қурувчилар Шеробод даштидаги, Сурхондарёнинг бошқа бир қанча районларидаги қўриқ хўжаликларнинг меҳнаткашларига 30 минг квадрат метрга яқин ҳажмда уй-жой қуриб бердилар. Бу 1981 йил учун мўлжалланганидан анча кўпдир. Бригада пудрати усулидан кенг фойдаланилганлиги, қурилишнинг индустриал методлари амалга оширилганлиги туфайли ана шундай катта ютуққа эришилди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларидан руҳланган қурувчилар суръатни кучайтиришмоқдалар. Улар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаб, йил охиригача пландан ташқари 1 миллион 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга, 8 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширишга қарор қилдилар.

ТЕХНИКА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНДИ

«Бустонводстрой» трестида машиналарга хизмат қилиш техника пункти ташкил этилди. Бу эса бульдозерлар, скреперлар, экскаваторларнинг тўхтаб қолиш муддатларини бир неча баровар қисқартирди. Механизаторларнинг иш унуми эса анча кўпайди. Пунктда ҳозир техникага хизмат қиладиган учта бригада ишлаб турибди. Машиналар тўғридан-тўғри далаларнинг ўзида ювилмоқда, унинг узел ва деталлари текшириб кўрилмоқда, ишдан чиққан қисмлари алмаштирилмоқда.

Ҳозир техника пункти кенгайтирилмоқда. Пункт учун махсус цех қурилаётир. Агар ҳозир коллектив 136 скрепер, 115 бульдозер, 110 экскаватор, 15 дренаж ўрнатадиган механизмга хизмат қилаётган бўлса, беш йилликнинг охирига бориб унинг хизмат зонаси икки баровар ортади.

ЗАВОД БАЙРОҒИДА ОРДЕН

Республикада энг кекса пахта заводларидан бири Қаттақўрғон пахта заводи бугунги кунда соҳанинг энг катта корхонасидир. Тубдан реконструкция қилинган ва энг янги машина-ускуналар билан жиҳозланган бу заводнинг маҳсулоти ўнлаб мамлакатларга юборилмоқда. Завод ишлаб чиқаришда эришган муваффақиятлари учун ва ташкил топган кунининг 100 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди.

Коллективга ҳукуматнинг юксак мукофоти топширилишига бағишлаб Каттақўрғонда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов заводнинг байроғига орденни тақиб қўйди. Бир гуруҳ илғорларга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. (ЎзТАГ).

РОССИЯ ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИКДА

УНИНЧИ ЧАҚИРИҚ РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

1 декабрь куни Москвадаги Катта Кремль саройида ўнинчи чақириқ РСФСР Олий Советининг тўртинчи сессияси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар Ю. В. Андропов, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессияда 1981—1985 йилларда РСФСРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, республиканинг 1982 йилги плани ва бюджети, 1981 йилги план қандай бажарилганлиги тўғрисида, 1980 йилги бюджетнинг ижроси, бошқа масалалар муҳокама этилмоқда.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, РСФСР Госплани раиси Н. И. Масленников давлат планлари тўғрисида доклад қилди. У беш йиллик план лойиҳасида асосий кўрсаткичларнинг кўпчилиги юзасидан ўнинчи беш йилликдагига қараганда бирмунча тиғиз топшириқлар кўзда тутилаётганлигини қайд этди. Миллий даромад беш йиллик мобайнида 22 процент кўпаяди. Саноат товар маҳсулотининг ҳажми 25 процент, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 13 процент ортади.

Ҳалқнинг турмуш даражасини янада юксалтириш юксалиши кенг тадбирлар системасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Беш йиллик мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 207 сўмгача етади ёки 16,4 процент кўпаяди. Жамоат хўжалигида колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ 24 процент ошади. Уй-жой қурилиши катта программаси бажарилади.

РСФСР молия министри А. А. Бобровников давлат бюджетлари тўғрисида доклад қилди. Россия федерациясининг 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳаси, деди у, даромадлар ва ҳаражатлар бўйича 75264.7 миллион сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 3 процент ортиқ қилиб белгиланди.

Депутатлар докладларни муҳокама қила бошладилар.

2 декабрь куни сессия ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

КУБА ДЕЛЕГАЦИЯСИ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг таклифига биноан Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, революцион ҳарбий-денгиз флоти кўмондони — Куба Республикаси революцион қуролли кучлари министрининг ўринбосари вице-адмирал А. Сантамария Куадрадо бошчилигидаги Куба ҳарбий делегацияси 30 ноябрь куни Москвага келди. Делегация «Гранма» яхтасидан кўзголончилар тушган кунининг 25 йиллигини ва Куба Республикаси революцион қуролли кучлари кунини Совет Иттифоқида байрам қилиш маросимида иштирок этади.

Шу куни Д. Ф. Устинов А. Сантамария Куадрадони қабул қилди.

Самимий, дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатда СССР Қуролли Кучлар бош штабининг бошлиғи — мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев ва Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Р. Анильо Капоте қатнашдилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЁЗУВЧИ Р. БОБОЖОНИ (Р. Н. БОБОЖОНОВИ) МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи Рамз **Бобожон** (Рамз Носирович **Бобожонов**) **Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил 1 декабрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ШОИР ЎРТОҚ РАМЗ БОБОЖОНГА (Р. Н. БОБОЖОНОВГА) «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун шоир ўртоқ Рамз **Бобожонга** (Рамз Носирович **Бобожонов**га) **«Ўзбекистон ССР халқ шоири»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1981 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми юридик фанларни ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун Х. С. Сулаймонова номидаги судэкспертиза Тошкент илмий-тадқиқот институти директори, юридик фанлар доктори, профессор Борис Ильич **Пинхасовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика корхоналарида техника хавфсизлиги ҳолатини яхшилаш соҳасида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиб туриш ва кончилик назорати давлат комитети областлараро газ техника инспекцияси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Михаил Тихонович **Коваленкони** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларида катта муваффақиятларга эришганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўрта Осиё нефть тозалаш саноати илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири, химия фанлари доктори, профессор Муҳаббат Фозиловна **Обидовани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йил ва самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Советский спорт» газетасининг Ўрта Осиёдаги ўз мухбири ўртоқ Алексей Артёмович **Назарянцни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш системасида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрининг ўринбосари ўртоқ Назиха Нигматовна **Жумаевани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

I БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлашнинг асосий принциплари**

Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари район, шаҳар, шаҳарлардаги район гражданлари томонидан умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадилар.

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари гражданларнинг ишлаб ёки яшаб турган жойида ўтказиладиган йиғилишларда, ҳарбий қисмлар бўйича — ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланадилар.

2-модда. **Умумий сайлов ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларини ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш умумийдир: Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган барча гражданлари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар, қонунда белгиланган тартибда ақлдан озган деб топилган шахслар бундан мустаснодир; Ўзбекистон ССРнинг сайлов кунигача 25 ёшга тўлган ҳар бир граждани район (шаҳар) халқ судининг халқ судьяси ва халқ маслаҳатчиси қилиб сайланиши мумкин.

Ўзбекистон ССР гражданларининг насл-насаби, социал ва мулкий мавқеи, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, муайян жойда қанча вақтдан бери яшаётганлиги, машғулотининг тури ва характеридан қатъи назар, уларнинг сайлов ҳуқуқларини бирон-бир йўл билан бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

3-модда. **Тенг сайлов ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларини ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш тенгдир: ҳар бир сайловчи битта овозга эгадир; ҳамма сайловчилар сайловда тенг асосда қатнашадилар.

Аёллар билан эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий хизматчилар сайлов ҳуқуқидан барча гражданлар билан тенг асосда фойдаланадилар.

4-модда. **Тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари тўппа-тўғри сайланади: халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини гражданлар бевосита сайлайдилар.

5-модда. **Халқ судьяларини сайлаш вақтида яширин овоз бериш**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларини сайлаш вақтида яширин овоз берилади: бунда сайловчилар ўз хоҳиш-истакларини билдиришни устидан назорат қилишга йўл қўйилмайди.

6-модда. **Бошқа иттифоқдош республикалар гражданларининг сайлов ҳуқуқлари**

Бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари Ўзбекистон ССР территориясида сайлов ҳуқуқларидан Ўзбекистон ССР гражданлари билан бир қаторда фойдаланадилар.

7-модда. **Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини тузиш**

«Ўзбекистон ССР суд тузилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари районда, шаҳарда (районга бўйсунувчи шаҳарлар бунга кирмайди), шаҳардаги районда тузилади.

Ҳар бир район ва шаҳар учун ёки район ва шу район территориясида жойлашган шаҳарлар учун битта район (шаҳар) халқ суди тузилиши мумкин.

8-модда. **Район (шаҳар) халқ судига сайланиши лозим бўлган халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларининг миқдори**

Ҳар бир район (шаҳар) халқ судига сайланадиган халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларининг миқдори Қорақалпоғистон АССР юстиция министри, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети юстиция бўлимининг бошлиғи киритган тақдимномага биноан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан белгиланади.

Ҳар бир район, шаҳар бўйича сайланиши лозим бўлган халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларининг миқдори кўрсатилган район (шаҳар) халқ судларининг рўйхатлари сайлов белгиланганидан кейин беш кундан кечиктирмай Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан эълон қилинади.

9-модда. **Сайлов округлари бўйича халқ судьялари сайловини ўтказиш**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг сайлови сайлов округлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир сайлов округидан битта халқ судьяси сайланади.

10-модда. **Сайлов комиссияларининг халқ судьялари сайловини ўтказиш**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг сайловини ўтказиш сайлов комиссиялари томонидан таъминланади. Бу комиссиялар жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари вакилларидан ҳамда ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари вакилларидан тузилади.

11-модда. **Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва гражданларнинг иштирок этиши**

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, касаба союзларининг, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг ташкилотлари, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссияларидаги ўз вакиллари орқали, шунингдек бевосита ўзлари қатнашадилар.

Ўзбекистон ССР гражданлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари, шунингдек сайловчиларнинг сайлов олди йиғилишлари орқали иштирок этадилар.

12-модда. **Халқ судьялиги ва халқ маслаҳатчилигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялиги ва халқ маслаҳатчилигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, касаба союзларининг, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг ташкилотларига, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига, меҳнат коллективларига, шунингдек ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларига берилади.

Ўзбекистон ССР гражданларига ва жамоат ташкилотларига халқ судьялиги ва халқ маслаҳатчилигига номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий сифатларини эркин тарзда ва ҳар томонлама муҳокама қилиш, шунингдек йиғилишларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали агитация юргизиш ҳуқуқи гарантияланади.

13-модда. **Район (шаҳар) халқ судлари сайловини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари сайловини ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар давлат ҳисобидан қилинади.

14-модда. **Сайлов тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Сайлов ҳужжатларини қалбакилаштириб, берилган овозларни қасддан нотўғри ҳисоблаб, халқ судьялари сайлови вақтида овоз беришнинг яширинлигини бузган ёки ушбу Қонуннинг бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек Ўзбекистон ССР гражданлигига унинг халқ судьясини ёки халқ маслаҳатчисини сайлаш ва халқ судьяси ёки халқ маслаҳатчиси қилиб сайланиш ҳуқуқини эркин равишда амалга оширишга тўсқинлик қилган шахслар қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

II БЎЛИМ

ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

1-боб

САЙЛОВНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ. САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ

15-модда. **Сайловни белгилаш тартиби**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг сайлови Ўзбекистон ССР учун умумий бўлган бир кунда ўтказилади ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан белгиланади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумининг сайловни белгилаш тўғрисидаги Фармони Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг ваколат муддати тугашидан камида икки ой илгари матбуотда эълон қилинади.

16-модда. **Сайлов округларини тузиш**

Халқ судьяларини сайлаш учун халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети район, шаҳар, шаҳардаги район территориясида сайлов округлари тузади.

Ҳар бир район (шаҳар) халқ судига халқ судьялари сайловини ўтказиш учун сайлов округларининг сони сайланиши лозим бўлган халқ судьяларининг миқдорига қараб Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан белгиланади.

Сайлов округлари район, шаҳар, шаҳардаги районнинг бутун территориясида истиқомат қилувчи аҳолининг сонини бараварлаштириб тузилади. Сайлов округлари чегараларини белгилаш вақтида маъмурий-территориал бўлиниш ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олинади.

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари кўрсатилган ҳолда, сайлов белгиланганидан кейин ўн кундан кечиктирмай халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети томонидан эълон қилинади.

2-боб

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

17-модда. **Сайлов участкаларини тузиш**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг сайлови бўйича овоз беришни ўтказиш ва берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш учун районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районларнинг территорияси сайлов участкаларига бўлинади. Сайлов участкалари, шунингдек, ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

Сайлов участкалари санаторийлар ва дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, йирик темир йўл станцияларида, аэропортларда ва дарё портларида тузилиши мумкин.

18-модда. **Сайлов участкаларини тузиш тартиби**

Сайлов участкалари халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлар бунга кирмайди), шаҳардаги район Советларининг ижроия комитетлари томонидан тузилади.

Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари халқ депутатлари тегишли Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб туриб қисм командирлари ёки қўшин бирлашмаларининг командирлари томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайлов белгиланганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, шунингдек йирик темир йўл станцияларида, аэропортларда ва дарё портларида ҳам сайлов участкалари худди шу муддатда тузилади, фавқулодда ҳолларда — сайловга камида беш кун қолганда тузилиши мумкин.

Халқ депутатлари тегишли Советининг ижроия комитети район, шаҳар, шаҳардаги район доирасида сайлов участкаларининг ягона номерларини белгилаб чиқади, аҳолига ҳар бир сайлов участкасининг чегарасини ва участка сайлов комиссияси ҳамда овоз бериш биноси қаерда жойлашганлигини маълум қилади.

19-модда. **Сайлов участкаларини тузиш нормалари**

Аҳоли пунктида ёки бир группа аҳоли пунктларида сайлов участкалари камида 100 ва кўпи билан 3000 сайловчи ҳисобидан тузилади.

Ўзбекистон ССРнинг унча катта бўлмаган аҳоли пунктлари кўпроқ жойлашган айрим тоғли ва даштли районларида сайлов участкалари камида 20 сайловчи бўлган тақдирда ҳам тузилиши мумкин.

Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари камида 20 ва кўпи билан 3000 сайловчи ҳисобидан тузилади.

Санаторийлар, дам олиш уйлари, шунингдек касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида сайлов участкалари камида 50 сайловчи бўлган тақдирда тузилиши мумкин.

3-боб

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ

20-модда. **Гражданларни сайловчилар рўйхатларига киритиш тартиби**

Ўзбекистон ССРнинг сайлов кунигача ёки сайлов кунида 18 ёшга тўлган ва рўйхат тузилиши пайтида халқ депутатлари муайян Советининг территориясида доимий ёки вақтинча истиқомат қилувчи барча гражданлар сайловчилар рўйхатларига киритилади. Гражданнинг туғилган куни ва ойи ҳақида аниқ маълумотлар бўлмаса, у тегишли йилнинг 1 январида туғилган деб ҳисобланади. Сайловчи сайловчиларнинг битта рўйхатидан бошқа рўйхатга киритилиши мумкин эмас.

Халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг ижроия комитетлари сайловчилар рўйхатларини тузиш учун зарур бўлган сайловчиларнинг ҳисобини олиб чиқадилар.

Сайловчилар рўйхатларига суд қарори билан ёки Қорақалпоғистон АССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, область, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш органи тузган врачлик комиссиясининг хулосасига биноан ақлдан озган деб топилган гражданлар киритилмайди. Бундай хулоса устидан район (шаҳар) халқ судига шикоят бериш мумкин.

Ўзбекистон ССР территориясида яшовчи чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахслар сайловчилар рўйхатларига киритилмайди.

21-модда. **Сайловчилар рўйхатларини тузиш**

Сайловчилар рўйхатлари шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ ва овул Советларининг ижроия комитетлари томонидан ҳар бир участка бўйича тузилади ҳамда тегишли Совет ижроия комитетининг раиси ва секретари томонидан имзоланади.

Ҳарбий қисмлардаги сайловчи-ҳарбий хизматчиларнинг рўйхатлари ҳарбий қисм командирлари томонидан тузилади ва имзоланади. Советларнинг ижроия комитетлари билан келишиб туриб, ҳарбий қисмлар жойлашган районларда яшаб турган ҳарбий хизматчилар оилаларининг аъзолари ва бошқа сайловчилар ҳам мазкур рўйхатларга киритилиши мумкин. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар сайловчилар рўйхатларига ўз турар жойларида умумий асосда киритилади.

Санаторийларда, дам олиш уйларида, шунингдек касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида дам олаётган ёки даволанаётган сайловчиларнинг рўйхатлари территориясида мазкур муассасалар жойлашган халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари томонидан тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатида алфавит тартибида кўрсатилади.

22-модда. **Гражданларнинг сайловчилар рўйхатлари билан танишиб чиқиши**

Сайловчилар рўйхатлари сайловга 20 кун қолганда ҳамманинг танишиб чиқиши учун осиб қўйилади.

Сайловчилар рўйхатларини тузган халқ депутатлари Советининг ижроия комитети бевосита ўзи ёки участка сайлов комиссиялари орқали сайловчиларни мазкур рўйхатлар билан танишиш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилади.

Гражданларга сайловчилар рўйхатлари билан танишиб чиқиш ва тегишли Совет ижроия комитети ёки участка сайлов комиссияси биносида уларнинг тўғри ё нотўғри тузилганлигини текшириш имконияти таъминланади.

23-модда. **Гражданларнинг сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар ҳақида шикоят қилиш ҳуқуқи**

Ҳар бир граждан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолганлиги, рўйхатга нотўғри киритилганлиги ёки ундан нотўғри чиқарилганлиги ҳақида, шунингдек рўйхатда фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатишда ноаниқликларга йўл қўйилганлиги ва сайловчи ҳақида шунинг сингари бошқа маълумотлар борлиги хусусида шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Сайловчилар рўйхатида нотўғриликлар борлиги ҳақидаги ариза шу рўйхатни тузган халқ депутатлари Совети ижроия комитетига, ҳарбий қисм командирига берилади, улар икки кунлик муддатдан кечиктирмай бундай аризани кўриб чиқишлари ва сайловчилар рўйхатига зарур тузатишлар киритишлари ёхуд арз билан мурожаат қилган шахсга унинг аризаси рад этилганлиги ҳақида асосланган қарор копиясини беришлари шарт.

Совет ижроия комитети чиқарган қарор устидан район (шаҳар) халқ судига шикоят қилиниши мумкин. Халқ суди бу шикоятни уч кунлик муддатда кўриб чиқиши зарур. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир. Суднинг шу қарорига мувофиқ халқ депутатлари Советининг ижроия комитети сайловчилар рўйхатига дарҳол тузатиш киритади.

24-модда. **Овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси**

Сайловчилар рўйхатлари ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилган давр билан сайлов куни ўртасидаги давр мобайнида сайловчининг турар жойи ўзгарган тақдирда, участка сайлов комиссияси унинг илтимосига биноан овоз бериш гувоҳномаси беради. Бундай гувоҳнома сайловчилар рўйхати асосида берилиб, бу ҳақда рўйхатга тегишли белги қилиб қўйилади.

Сайловчи сайлов куни қаерда турган бўлса, овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси асосида ўша жойдаги истаган сайлов участкасида сайловчиларнинг қўшимча рўйхатига киритилади. Сайловчиларнинг қўшимча рўйхати участка сайлов комиссияси томонидан тузилиб, унга комиссия раиси ва секретари қўл қўядилар.

4-боб

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ

25-модда. **Халқ судьялари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари сайловини ўтказиш учун қуйидаги сайлов комиссиялари тузилади:

район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлар бунга кирмайди), шаҳардаги районда — район (шаҳар) халқ суди халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси;

сайлов участкасида — участка сайлов комиссияси тузилади.

26-модда. **Сайлов комиссиялари составига вакиллар кўрсатиш**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, касаба союзларининг, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг ташкилотлари, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари вакилларидан ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишларида кўрсатилган вакиллардан тузилади.

Район, шаҳар, шаҳардаги район ва участка сайлов комиссиялари составига вакиллар район, шаҳар, шаҳардаги район жамоат ташкилотларининг органлари, уларнинг бошланғич ташкилотлари, шунингдек меҳнат коллективлари томонидан ҳамда ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилади.

Сайлов комиссиялари составига меҳнат коллективларидан вакиллар касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитетлари томонидан чақириладиган коллективларнинг умумий йиғилишларида кўрсатилади. Йирик меҳнат коллективларида бундай йиғилишлар цехлар, участкалар, сменалар, бригадалар, бўлимлар бўйича ўтказилиши мумкин.

Сайлов комиссияларининг состави ҳамманинг ахбороти учун эълон қилинади.

27-модда. **Район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияларини тузиш**

Район (шаҳар) халқ суди халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси раис, раис ўринбосари, комиссия секретари ва унинг 6—10 аъзосидан иборат составда тузилади.

Сайлов комиссиясининг состави сайлов белгиланганидан кейин ўн иккинчи кундан кечиктирмай халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

Район ва шаҳар ёки район ва шу район территориясига жойлашган шаҳарлар учун битта район (шаҳар) халқ суди тузиладиган бўлса, халқ судьялари сайловини ўтказувчи район ёки шаҳар сайлов комиссиясининг состави Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

28-модда. **Участка сайлов комиссияларини тузиш**

Участка сайлов комиссиялари раис, раис ўринбосари, комиссия секретари ва унинг 4—16 аъзосидан иборат составда, сайловчилари 100 кишидан кам бўлган сайлов участкаларида эса — раис, секретарь ва 1—3 аъзодан иборат составда тузилади. Комиссиянинг состави сайлов белгиланганидан кейин, ўттизинчи кундан кечиктирмай халқ депутатлари тегишли район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлар бунга кирмайди), шаҳардаги район Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

Зарур ҳолларда Советларнинг ижроия комитетлари йирик темир йўл станцияларида, аэропортларда ва дарё портларида тузилган сайлов участкаларининг участка сайлов комиссиялари сон составини, шунингдек участка территориясида майда аҳоли пунктлари, геология партиялари, илмий экспедициялар мавжуд бўлганда ҳам мазкур сайлов комиссияларининг сон составини кўпайтириши мумкин.

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд секретари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида 30 календарь кунга ўз ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасини бажаришдан озод қилиниб, унинг доимий ишлайдиган жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

29-модда. **Сайлов комиссиялари составини ўзгартириш тартиби**

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, секретари ёки аъзоси унинг составини тасдиқлаган орган томонидан, ўз аризасига биноан ёхуд унинг номзодини кўрсатган жамоат ташкилоти, меҳнат коллективи, ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларининг йиғилиши тақдими билан комиссиядаги ўз вазифасидан озод қилиниши мумкин. Сайлов комиссиясига янги вакил кўрсатиш ва уни комиссия составига тасдиқлаш ушбу Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ИШ ТАРТИБИ

30-модда. **Район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясининг ваколати**

Район (шаҳар) халқ судининг халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси:

а) район (шаҳар) халқ судининг халқ судьялари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ушбу Қонуннинг ижроси устидан контрол қилиб боради;

б) участка сайлов комиссиялари фаолиятини йўналтириб туради;

в) участка сайлов комиссиялари, маҳаллий давлат, шунингдек жамоат органларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусидаги ахборотларини тинглайди;

г) халқ судьялигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олади;

д) участка сайлов комиссиялари бинолар, транспорт, алоқа билан қандай таъминланганлигини контрол қилади ва сайловни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

е) ҳар бир сайлов округи бўйича сайлов бюллетени текстини тасдиқлайди, сайлов бюллетенларини тайёрлайди ва участка сайлов комиссияларини шу бюллетенлар билан таъминлайди;

ж) сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва ҳамманинг танишиб чиқиши учун эълон қилиниши устидан назорат олиб боради;

з) участка сайлов комиссияларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қатъий қарорлар қабул қилади;

и) ҳар бир сайлов округи бўйича халқ судьялари сайлови натижаларини аниқлайди ва тегишли район (шаҳар) халқ судига кўрсатилган халқ судьялари сайловига якун ясаб чиқади;

к) район (шаҳар) халқ судига сайланган халқ судьяларини рўйхатга олади;

л) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

31-модда. **Участка сайлов комиссиясининг ваколати**

Участка сайлов комиссияси:

а) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар ҳақида ёзилган аризаларни қабул қилиб олади ва уларни шу рўйхатни тузган халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг, ҳарбий қисм командирининг муҳокамасига ҳавола этади;

б) сайловчиларга сайловчилар рўйхати асосида ушбу Қонуннинг 24-моддасида кўзда тутилган ҳолларда овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси беради;

в) овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси билан сайлов участкасига келган шахсларни сайловчиларнинг қўшимча рўйхатига киритади;

г) аҳолини участка сайлов комиссияси жойлашган жой ва унинг иш вақти ҳақида, шунингдек сайлов бўладиган кун ва овоз бериладиган жой тўғрисида хабардор қилади;

д) овоз бериладиган бинони шайлаб қўйиш ва сайлов қутиларини тайёрлашни таъминлайди;

е) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни уюштиради;

ж) сайлов участкасида сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

з) сайлов участкасида халқ судьялигига ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

и) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

32-модда. **Сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга ошириш тартиби**

Сайлов комиссиясининг мажлислари унинг раиси томонидан чақирилиб, бу мажлисларда комиссия составининг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирдагина ҳақиқий деб ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари комиссия умумий состави оддий кўпчилигининг очиқ овоз бериши йўли билан қабул қилинади. Комиссиянинг шу комиссия қарорига рози бўлмаган аъзолари ўзининг махсус фикрини билдиришга ҳақлидир, бу фикр ёзма равишда баён этилиб, протоколга тикиб қўйилади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат органлари, корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ижро этиши учун мажбурийдир.

Участка сайлов комиссиясининг қарори устидан халқ судьялари сайловини ўтказувчи тегишли район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясига шикоят бериш мумкин.

33-модда. **Сайлов комиссиялари ишининг ошкоравийлиги**

Сайлов комиссиялари аҳолини ўз мажлислари ва унда қабул қилинган қарорлар ҳақида, комиссиялар ўтказадиган тадбирлар тўғрисида хабардор қилиб туради. Комиссияларнинг мажлисларида жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларидан вакиллар, шунингдек матбуот, телевидение ва радио вакиллари ҳозир бўлишлари мумкин.

34-модда. **Сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш**

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашмоқлари, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни беришлари шарт.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилишга ҳақлидир, улар қўйилган масалани кўриб чиқиб, сайлов комиссиясига уч кунлик муддатдан кечиктирмай жавоб беришлари шарт.

6-боб

ХАЛҚ СУДЬЯЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ

35-модда. **Халқ судьялигига номзодлар кўрсатиш тартиби**

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялигига номзодлар сайлов округлари бўйича кўрсатилади. Халқ судьялигига номзодлар сайлов белгиланганидан сўнг йигирма бешинчи кундан бошлаб кўрсатилади ва бу иш сайловга йигирма кун қолганда тугалланади.

Халқ судьялигига номзодларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, касаба союзларининг, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг ташкилотлари, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари — ўзларининг республика, область, район, шаҳар, шаҳардаги район органлари орқали, меҳнат коллективлари, шунингдек ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари кўрсатадилар.

Меҳнат коллективларидан халқ судьялигига номзодлар касаба союзларининг фабрика, завод, маҳаллий комитетлари томонидан чақириладиган шу коллективларнинг умумий йиғилишларида кўрсатилади. Йирик меҳнат коллективларида бундай йиғилишлар цехлар, участкалар, сменалар, бригадалар, бўлимлар бўйича ўтказилиши мумкин.

Халқ судьялигига номзодлар кўрсатишга бағишланган ҳарбий хизматчилар йиғилишлари ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан чақирилади. Қисм ҳарбий хизматчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш иложи бўлмаса, бундай йиғилишлар бўлинмалар бўйича ўтказилади.

Халқ судьялигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишда иштирок этувчи ҳар бир шахсга номзодларни муҳокама қилишда қатнашиш, таклиф этилган номзодларни қўллаб-қувватлаб чиқиш ёки уларга отвод бериш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқи таъминланади.

Халқ судьялигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарор йиғилиш қатнашчиларининг кўпчилик овози билан ёхуд жамоат ташкилоти тегишли органи умумий составининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва дарҳол ана шу номзоди кўрсатилган шахсга маълум этилади.

Халқ судьялигига номзод кўрсатиш тўғрисида протокол юритилади. Бу протоколда: номзодни кўрсатган ташкилотнинг номи, йиғилиш ёки мажлис ўтказилган жой ва вақт, мажлис ёки йиғилишда иштирок қилган шахсларнинг сони, номзод кўрсатишни ёқлаб берилган овозлар сони, номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг ёши, касби ва турар жойи кўрсатилади.

Халқ судьялигига номзодлар кўрсатган жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, йиғилишлар халқ судьялигига кўрсатилган номзодлар ҳақида матбуот, телевидение, радио орқали ва бошқа ахборот воситалари йўли билан аҳолини хабардор қиладилар, шунингдек халқ судьялигига номзодларнинг ишончли вакилларини сайлашлари мумкин.

36-модда. **Халқ судьялигига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаб чиқиш ҳуқуқи**

Жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари бошқа жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ёки ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилган халқ судьялигига номзодларни қўллаб-қувватлаб чиқишлари, шунингдек халқ судьялигига номзодларнинг ишончли вакилларини сайлашлари мумкин.

37-модда. **Халқ судьялигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш. Номзоднинг ўз кандидатурасини рўйхатдан чиқариши**

Халқ судьялигига номзод кўрсатган жамоат ташкилоти, меҳнат коллективи, йиғилиш сайловга қадар истаган вақтда халқ судьялигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилишга ҳақлидир. Бу масала хусусидаги қарор халқ судьялигига номзод кўрсатиш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади ва халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Халқ судьялигига номзод сайловга қадар истаган вақтда ўз кандидатурасини рўйхатдан чиқариши мумкин. Номзоднинг ўз кандидатурасини рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги аризаси халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясига топширилади.

Халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси халқ судьялигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарор бекор қилинганлиги ёки номзод ўз кандидатурасини рўйхатдан чиқарганлиги ҳақида сайлов округи аҳолисига маълум қилади.

38-модда. **Халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш тартиби**

Халқ судьялигига ушбу Қонун талабларига риоя қилинган ҳолда кўрсатилган номзодлар халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади.

Халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш сайловдан 25 кун илгари бошланиб, бу иш сайловга 15 кун қолганда тугалланади.

Халқ судьялигига номзод халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясининг мажлисида қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда рўйхатга олинади: муайян сайлов округи бўйича халқ судьялигига номзод кўрсатиш тўғрисида жамоат ташкилотининг тегишли органи, меҳнат коллективи йиғилиши, ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларининг йиғилиши мажлисининг протоколи; халқ судьялигига номзоднинг шу сайлов округида овозга қўйилишга розилик билдириб берган аризаси. Район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси халқ судьялигига кўрсатилган ҳар бир номзодни рўйхатга олиш тўғрисида протокол тузади.

Район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси ушбу Қонун талабларига риоя қилинган ҳолда ҳар бир сайлов округи бўйича кўрсатилган халқ судьялигига барча номзодларини рўйхатга олишга мажбурдир.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумот халқ судьялигига номзод қилиб рўйхатга олинган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши ва касби кўрсатилган ҳолда район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси томонидан халқ судьялигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кундан кечиктирмай эълон қилинади.

Халқ судьялигига номзод фақат бир район (шаҳар) халқ судида ва фақат битта сайлов округида овозга қўйилиши мумкин. Халқ судьялигига номзод тегишли район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси ёки муайян сайлов округида овоз беришни уюштирувчи участка сайлов комиссияси составида бўлиши мумкин эмас. Халқ судьялигига номзод қилиб кўрсатилган ва мазкур комиссиялардан бири составида бўлган шахс халқ судьялигига номзод қилиб рўйхатга олинган пайтдан бошлаб комиссиядаги вазифасидан озод этилади.

39-модда. **Ўрни бўш қолган халқ судьялигига номзод ўрнига янги номзод кўрсатиш тартиби**

Халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш муддати тугаганидан кейин халқ судьялигига номзод составдан чиқиб қолган тақдирда, башарти сайлов округида бошқа номзодлар қолмаса, халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси халқ судьялигига янги номзод кўрсатиш тўғрисидаги таклифи билан жамоат ташкилотларига, меҳнат коллективларига, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларига мурожаат этади.

Сайловчача қолган вақт ичида халқ судьялигига янги номзод кўрсатиш, уни рўйхатга олиш ва муҳокамадан ўтказиш иложи бўлмаса, мазкур сайлов округида Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьяларининг сайлови ўтказилганидан кейин бир ой муддат ичида янги сайлов ўтказилади.

40-модда. **Сайлов бюллетени**

Ҳар бир сайлов округи бўйича сайлов бюллетенининг тексти халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Бюллетенга сайлов округи бўйича халқ судьялигига кўрсатилган ва рўйхатга олинган ҳамма номзодлар ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, номзодларни кўрсатган жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари номи кўрсатилган ҳолда алфавит тартибида киритилади.

Сайлов бюллетенлари сайлов округидаги аҳоли фойдаланиб келаётган тилларда босилади. Бюллетенлар барча участка сайлов комиссияларига сайловга камида беш кун қолганда етказиб берилади.

41-модда. **Сайловчиларнинг халқ судьялигига номзодлар билан учрашувларига бағишланган йиғилишлари**

Халқ судьялигига номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашишлари учун жамоат ташкилотлари ёхуд халқ депутатлари посёлка, қишлоқ Советининг ижроия комитети томонидан чақириладиган йиғилишлар ўтказилади. Бундайғилишлар тегишли сайлов округидаги сайловчиларнинг яшаб ёки ишлаб турган жойида ўтказилади. Йиғилишларни ўтказиш вақти ва жойи ҳақида сайловчиларга барвақт хабар бериб қўйилади.

42-модда. **Сайлов олди агитацияси юргизиш**

Халқ судьялигига номзодлар кўрсатган ёки уларни қўллаб-қувватлаб чиққан жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларига ўз номзодларини ёқлаб монеъсиз агитация юргизиш ҳуқуқи берилади.

Жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларига йиғилишлар ўтказиш учун бепул бино, шунингдек сайлов олди агитацияси юргизиш учун оммавий ахборот воситалари бериб қўйилади.

Ҳар бир гражданнинг сайлов олди агитациясида иштирок этиш ҳуқуқи таъминланади.

Сайлов куни овоз бериладиган бинода агитация юргизишга йўл қўйилмайди.

7-боб

ХАЛҚ СУДЬЯЛИГИГА НОМЗОД ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ҒАРАНТИЯЛАРИ

43-модда. **Халқ судьялигига номзоднинг йиғилишларда чиқиб сўзлаш ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи**

Халқ судьялигига кўрсатилган барча номзодлар халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияларининг йиғилишларида, телевидение ва радио орқали чиқиб сўзлашга тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат ва жамоат органлари, сайлов округи территориясида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари халқ судьяллигига номзодга ўз сайловчилар билан учрашувлар уюштиришда, сайлов олди йиғилишларини ўтказиш, зарур маълумот ва информацион материаллар олишда тегишли ёрдам кўрсатишлари шарт.

44-модда. **Халқ судьялигига номзодни сайлов олди тадбирларида қатнашиш учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиш**

Халқ судьялигига номзод сайловчилар билан учрашув ўтказишга, сайлов олди йиғилишларида, телевидение ва радио орқали чиқиб сўзлашга борган вақтида доимий ишлайдиган жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилинади.

8-боб

ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВГА ЯКУН ЯСАШ ТАРТИБИ

45-модда. **Овоз бериладиган вақт ва жой**

Овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан эрталаб соат 6 дан кечқурун соат 10 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи ҳақида участка сайлов комиссияси сайловдан камида 10 кун илгари барча сайловчиларни хабардор қилиб қўяди.

Ҳарбий қисмларда тузилган сайлов участкаларида, шунингдек бориш қийин бўлган районларда жойлашган ҳамда транспорт қатнови шароитларига кўра, сайлов куни сайловчилар овоз бериш ҳуқуқи гувоҳномаси билан келолмайдиган сайлов участкаларида Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари тегишли область Советларининг ижроия комитетлари рухсати билан, агар уларда рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, овоз бериш кечқурун соат 10 дан илгари ҳам тугалланиши мумкин.

46-модда. **Овоз беришни ўтказиш**

Ҳар бир сайлов участкасида овоз бериш махсус ажратилган бинода ўтказилади. Бу бинода яширин овоз бериладиган кабина ёки хоналар жиҳозланган, сайлов бюллетенларини берадиган жой ажратиб қўйилган ва сайлов қутилари ўрнатилган бўлиши лозим. Участка сайлов комиссияси овоз беришни уюштириш ва мазкур бинода тартиб сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

Овоз бериш бошланишидан олдин сайлов қутилари текшириб чиқилиб, комиссиянинг барча аъзолари ҳузурида участка сайлов комиссиясининг раиси томонидан пломбалаб ёки муҳрлаб қўйилади. Бунда жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларидан вакиллар, матбуот, телевидение, радио вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

Ҳар бир сайловчи шахсан ўзи овоз беради. Сайлов бюллетенлари сайловчиларга сайловчилар рўйхати асосида паспорти ёки шунга ўхшаш бошқа шахсий гувоҳномаси кўрсатилган ҳолда участка сайлов комиссияси томонидан берилади. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига белги қилиб қўйилади.

Истисно тариқасида, айрим сайловчилар саломатлиги жиҳатидан ёки транспорт қатнови шароитларига кўра овоз бериладиган бинога шахсан келолмасалар, уларнинг илтимосига биноан участка сайлов комиссияси овоз беришни шу сайловчилар яшаб турган жойда ташкил қилишни комиссиянинг бир ёки бир неча аъзосига топшириши мумкин. Йирик темир йўл станцияларида тузилган сайлов участкаларининг участка сайлов комиссиялари станцияларда бўлган сайловчиларнинг ҳам, олис йўлга қатновчи пассажир поездларидаги сайловчиларнинг ҳам овоз беришини таъминлайдилар.

Сайлов куни овоз бериш тугалланганлигини эълон қилиш ва сайлов натижаларини аниқлаш вақтида жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларидан вакиллар, шунингдек матбуот, телевидение, радио вакиллари ҳозир бўлишга ҳақлидирлар.

51-модда. **Район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясининг протоколи**

Ҳар бир сайлов округи бўйича сайлов натижалари халқ судлари сайловини ўтказувчи тегишли район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясининг мажлисида кўрилиб, протоколга ёзилади. Бу протоколга комиссия раиси, раис ўринбосари, секретари ва аъзолари имзо қўядилар, дарҳол у халқ судьялари сайловини ўтказувчи тегишли район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясига юборилади. Протоколга: комиссия аъзоларининг мавжуд алоҳида фикрлари; овоз бериш жараёнида ёки овозларни ҳисоблаб чиқиш чоғида йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳақида комиссияга тушган ариза ва шикоятлар; сайлов қутиси пломбаси ёки муҳри бузилган тақдирда, шу ҳақда тузилган акт илова қилинади.

52-модда. **Халқ судьяларини рўйхатга олиш. Сайлов якунларини эълон қилиш**

Халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси овоз бериш натижаларини аниқлаб чиққач, ҳар бир сайлов округи бўйича сайланган халқ судьяларини рўйхатга олади.

Район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, халқ судьясини рўйхатга олишдан бош тортади.

Район (шаҳар) халқ судига ўтказилган халқ судьялари сайловининг якунлари тўғрисидаги ахборот ва сайланган халқ судьяларининг рўйхати тегишли район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин ўттиз кундан кечиктирмай эълон қилинади. Сайланган халқ судьяларининг рўйхати халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитетига топширилади, ижроком эса бу рўйхатни Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлигига, халқ депутатлари тегишли Совети ижроия комитетининг юстиция бўлимига юборади.

9-боб

ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ЎРНИ БЎШ ҚОЛГАН ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ ЎРНИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ЯНГИ ТУЗИЛГАН РАЙОН, ШАҲАР, ШАҲАРДАГИ РАЙОНДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ҚЎШИМЧА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ

53-модда. **Қайта сайлов ўтказиш**

Агарда сайлов округи бўйича овозга қўйилган халқ судьялигига номзодлардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, ёхуд мазкур сайлов округи бўйича сайлов бўлмаган ёки бу сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси сайлов белгиланганидан кейин учинчи куни, участка сайлов комиссиялари эса бешинчи куни тузилади. Халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга 10 кун қолганда тугалланади.

Агарда сайловчилар рўйхатига киритилган ҳамма сайловчилар олдиндан овоз бериб бўлган бўлсалар, овоз бериш район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясининг қарорига биноан кечқурун соат 10 дан олдин ҳам тугалланиши мумкин.

Участка сайлов комиссиясининг раиси, ёки раис ўринбосари, ёхуд секретари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз ишлаб чиқаришидан ёки хизмат вазифасидан 20 календарь кунга озод қилиниб, унинг доимий ишлайдиган жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Башарти халқ судьяси ўз ваколат муддати тугашига тўрт ойдан камроқ вақт қолганда составдан чиқиб қолса, шу халқ судьяси ўрнига қолган бўйича янги сайлов ўтказилмайди.

55-модда. **Янги тузилган район, шаҳар, шаҳардаги район сайловини ўтказиш. Қўшимча сайлов ўтказиш**

Янги тузилган район, шаҳар, шаҳардаги районда халқ судьялари сайлови бу ерда халқ судьялари йўқлиги ёки янги тузилган район, шаҳар, шаҳардаги район составига кирган территорияда сайланган халқ судьяларининг сони озлиги сабабли район (шаҳар) халқ судини тузиш мумкин эмас деб топилган ҳолларда ўтказилади.

Халқ судьялигига қўшимча сайлов район (шаҳар) халқ судидаги халқ судьялари сонини кўпайтириш зарур бўлган ҳолларда ўтказилади. Қўшимча сайлов халқ судьялари сайлови бўйича мавжуд сайлов округларининг чегараси ўзгарганлиги ҳисобига тузиладиган сайлов округлари бўйича ўтказилади.

Янги тузилган район, шаҳар, шаҳардаги районда халқ судьялари сайлови ва халқ судьялигига қўшимча сайлов Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан янги тузилган район (шаҳар) халқ судини тузиш тўғрисида ёки район (шаҳар) халқ судида халқ судьялари сонини кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай белгиланади ва ушбу Қонунга мувофиқ равишда ўтказилади.

Агарда янги тузилган район, шаҳар, шаҳардаги районда халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети ҳали сайланмаган бўлса, сайлов округлари тузиш, сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш иши сайлов ўтказишни белгилаган Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари тегишли Советининг ижроия комитети томонидан амалга оширилади.

Сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш, халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонуннинг 54-моддасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

III БЎЛИМ

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

10-боб

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ УЮШТИРИШ

56-модда. **Халқ маслаҳатчилари сайловини белгилаш тартиби**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг сайлови Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан белгиланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг халқ маслаҳатчилари сайловини белгилаш тўғрисидаги Фармони Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугашига камида 30 кун қолганда матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг халқ маслаҳатчилари сайловини белгилаш тўғрисидаги Фармонига асосан Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети автоном республика, область, шаҳар бўйича район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг сайловини ўтказиш муддатини белгилайди.

57-модда. **Халқ маслаҳатчилари сайловини уюштириш**

Район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг сайлови халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советларининг ижроия комитетлари томонидан уюштирилади.

Ҳарбий қисмларда район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг сайлови район, шаҳар, шаҳардаги район Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб туриб, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан ташкил этилади.

Район ва шаҳар учун битта район (шаҳар) халқ суди тузилган бўлса, бу ерда халқ маслаҳатчилари сайловини уюштириш Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети томонидан халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитетига топширилади, ижроком эса бу рўйхатни Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлигига, халқ депутатлари тегишли Совети ижроия комитетининг юстиция бўлимига юборади.

9-боб

ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ЎРНИ БЎШ ҚОЛГАН ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ ЎРНИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ЯНГИ ТУЗИЛГАН РАЙОН, ШАҲАР, ШАҲАРДАГИ РАЙОНДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ҚЎШИМЧА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ

53-модда. **Қайта сайлов ўтказиш**

Агарда сайлов округи бўйича овозга қўйилган халқ судьялигига номзодлардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, ёхуд мазкур сайлов округи бўйича сайлов бўлмаган ёки бу сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси сайлов белгиланганидан кейин учинчи куни, участка сайлов комиссиялари эса бешинчи куни тузилади. Халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга 10 кун қолганда тугалланади.

Агарда сайловчилар рўйхатига киритилган ҳамма сайловчилар олдиндан овоз бериб бўлган бўлсалар, овоз бериш район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясининг қарорига биноан кечқурун соат 10 дан олдин ҳам тугалланиши мумкин.

Участка сайлов комиссиясининг раиси, ёки раис ўринбосари, ёхуд секретари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз ишлаб чиқаришидан ёки хизмат вазифасидан 20 календарь кунга озод қилиниб, унинг доимий ишлайдиган жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

54-модда. **Ўрни бўш қолган халқ судьялари ўрнига сайлов ўтказиш**

Халқ судьяси унинг ваколат муддати тугашидан олдин составдан чиқиб қолган тақдирда, тегишли сайлов округида бир ярим ой муддат ичида янги сайлов ўтказилади. Бу сайлов Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан сайловдан камида бир ой олдин тайинланади ва ушбу Қонунга мувофиқ равишда ташкил этилади. Бу ҳолда халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси сайлов белгиланганидан кейин учинчи куни, участка сайлов комиссиялари эса бешинчи куни тузилади. Халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга 10 кун қолганда тугалланади.

Агарда сайловчилар рўйхатига киритилган ҳамма сайловчилар олдиндан овоз бериб бўлган бўлсалар, овоз бериш район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясининг қарорига биноан кечқурун соат 10 дан олдин ҳам тугалланиши мумкин.

Участка сайлов комиссиясининг раиси, ёки раис ўринбосари, ёхуд секретари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз ишлаб чиқаришидан ёки хизмат вазифасидан 20 календарь кунга озод қилиниб, унинг доимий ишлайдиган жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

54-модда. **Ўрни бўш қолган халқ судьялари ўрнига сайлов ўтказиш**

Халқ судьяси унинг ваколат муддати тугашидан олдин составдан чиқиб қолган тақдирда, тегишли сайлов округида бир ярим ой муддат ичида янги сайлов ўтказилади. Бу сайлов Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитетига топширилади, ижроком эса бу рўйхатни Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлигига, халқ депутатлари тегишли Совети ижроия комитетининг юстиция бўлимига юборади.

9-боб

ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ЎРНИ БЎШ ҚОЛГАН ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ ЎРНИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ЯНГИ ТУЗИЛГАН РАЙОН, ШАҲАР, ШАҲАРДАГИ РАЙОНДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ, ҚЎШИМЧА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ

53-модда. **Қайта сайлов ўтказиш**

Агарда сайлов округи бўйича овозга қўйилган халқ судьялигига номзодлардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, ёхуд мазкур сайлов округи бўйича сайлов бўлмаган ёки бу сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси сайлов белгиланганидан кейин учинчи куни, участка сайлов комиссиялари эса бешинчи куни тузилади. Халқ судьялигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга 10 кун қолганда тугалланади.

Агарда сайловчилар рўйхатига киритилган ҳамма сайловчилар олдиндан овоз бериб бўлган бўлсалар, овоз бериш район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссиясининг қарорига биноан кечқурун соат 10 дан олдин ҳам тугалланиши мумкин.

Участка сайлов комиссиясининг раиси, ёки раис ўринбосари, ёхуд секретари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз ишлаб чиқаришидан ёки хизмат вазифасидан 20 календарь кунга озод қилиниб, унинг доимий ишлайдиган жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг сайловини гражданларнинг ишлаб ёки яшаб турган жойида чақириладиган йиғилишларда, ҳарбий қисмларда эса ҳарбий хизматчилар йиғилишларида ўтказилади.

Район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг сайловига бағишланган йиғилишлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, касаба союзлари, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотлари, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан чақирилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан чақирилади. Қисм ҳарбий хизматчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда, бундай йиғилишлар бўлинмалар бўйича ўтказилади.

Гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишлар халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ёки қишлоқ Советининг ижроия комитети томонидан чақирилади.

Йиғилишлар меҳнат коллективларида, ҳарбий қисмларда ва аҳоли пунктларида камида 100 сайловчи ҳисобидан ўтказилади. Агарда сайловчилар сони 100 кишидан кам бўлса, халқ маслаҳатчилари сайлови бошқа меҳнат коллективлари, ҳарбий қисмлар ва бошқа аҳоли пунктларида яшовчи сайловчилар билан биргаликда ўтказилади.

Пирик меҳнат коллективларида йиғилишлар цехлар, участкалар, сменалар, бригадалар, бўлимлар бўйича ўтказилиши мумкин.

Халқ маслаҳатчиларини сайлашга бағишланган йиғилишлар бўладиган вақт ва жой ҳақида гражданлар шундай йиғилиш ўтказиладиган кундан камида уч кун аввал хабардор қилиб қўйилади.

Район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларини сайлашга бағишланган йиғилиш унда мазкур меҳнат коллективидаги сайловчиларнинг, ҳарбий қисмларда — ҳарбий хизматчиларнинг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчиларининг номзодлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, касаба союзлари, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотлари, кооператив ва бошқа ташкилотлари, меҳнат коллективлари, шунингдек ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилади.

Халқ маслаҳатчиларининг номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишда қатнашувчи ҳар бир киши номзодларни муҳокама қилишда иштирок этиш, таклиф этилган номзодни қўллаб-қувватлаб чиқиш ёки унга отвод бериш таклифи билан чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Халқ маслаҳатчилари сайлови ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида, очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Муайян меҳнат коллективи сайловчилари, ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари берган овозининг ярмидан кўпроғига ёки истиқомат жойларидаги сайловчиларнинг кўпчилиги овозига эга бўлган шахслар район (шаҳар) халқ судининг халқ маслаҳатчилари қилиб сайланган деб ҳисобланади.

Йиғилишда президиум сайланади ва протокол юритилади.

59-модда. **Халқ маслаҳатчилари сайлови йиғилишига доир протокол**

Овоз бериш натижалари йиғилиш протоколига ёзилиб, йиғилиш президиумининг жами состави томонидан имзоланади.

Йиғилиш протоколида: йиғилиши ўтказилган ташкилот ёки аҳоли пунктининг номи; йиғилиш бўлган жой ва вақт; муайян коллективдаги, аҳоли пунктидаги сайловчиларнинг умумий сони; йиғилишда қатнашган сайловчиларнинг сони; халқ маслаҳатчилигига кўрсатилган ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми; халқ маслаҳатчилигига кўрсатилган ҳар бир номзодни «ёқлаб» берилган овозлар сони ва унга «қарши» берилган овозлар сони; сайланган ҳар бир халқ маслаҳатчисининг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, миллати, партиявийлиги, касби, яшаш жойи, шунингдек у илгари ҳам халқ маслаҳатчиси қилиб сайланган-сайланмаганлиги кўрсатилган бўлиши лозим. Йиғилиш протоколига имзо чекилгач, у дарҳол халқ депутатлари тегишли район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитетига юборилади.

60-модда. **Халқ маслаҳатчилари сайлови натижаларини аниқлаш**

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети йиғилиш протоколларига асосланиб, сайлов натижаларини аниқлаб чиқади ва мазкур район (шаҳар) халқ судининг халқ маслаҳатчилари рўйхатини тузади.

Район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети сайлов вақтида ушбу Қонун талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисобласа, сайловни ноҳақиқий деб топиши мумкин.

Район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети, башарти сайловда тегишли меҳнат коллективи сайловчиларининг, ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларининг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлса, сайловни бўлмаган деб ҳисоблайди.

Халқ маслаҳатчиларининг рўйхати район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланиб, район (шаҳар) халқ судига жўнатилади.

11-боб

ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ. ЎРНИ БЎШ ҚОЛГАН ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ЎРНИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ. ЯНГИ ТУЗИЛГАН РАЙОН, ШАҲАР, ШАҲАРДАГИ РАЙОНДА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ. ҚЎШИМЧА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ

61-модда. **Қайта сайлов ўтказиш. Ўрни бўш қолган халқ маслаҳатчилари ўрнига сайлов ўтказиш**

Агарда район (шаҳар) халқ судининг халқ маслаҳатчилари сайлови ҳақиқий эмас деб ёки бўлмаган деб топилса, у ҳолда халқ депутатлари тегишли район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети қайта сайлов ўтказишни уюштиради.

Халқ маслаҳатчиси ўз ваколат муддати тугашидан олдин составдан чиқиб қолган тақдирда, янги сайлов ўтказилиши мумкин.

Қайта сайлов ва ўрни бўш қолган халқ маслаҳатчиларини ўрнига янги сайлов ўтказиш ушбу Қонун талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

62-модда. **Янги тузилган район, шаҳар, шаҳардаги районда халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш. Қўшимча сайлов ўтказиш**

Янги тузилган район, шаҳар, шаҳардаги районда халқ маслаҳатчилари сайлови ва халқ маслаҳатчилигига қўшимча сайловни ўтказиш Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан район (шаҳар) халқ судини тузиш тўғрисида ёки район (шаҳар) халқ судида халқ маслаҳатчиларини сонини кўпайтириш зарурати билан ўтказилади.

Янги тузилган район, шаҳар, шаҳардаги районда халқ маслаҳатчилари сайловини ва халқ маслаҳатчилигига қўшимча сайловни ўтказиш Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан район (шаҳар) халқ судини тузиш тўғрисида ёки район (шаҳар) халқ судидаги халқ маслаҳатчиларини сонини кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддатдан кечиктирмай белгиланади ва ушбу Қонунга мувофиқ равишда ўтказилади.

IV БЎЛИМ

ХАЛҚ СУДЬЯСИ ҚИЛИБ САЙЛАНГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА. ХАЛҚ СУДЬЯСИ ВА ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИСИНИНГ ГУВОҲНОМАСИ. САЙЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ФОРМАЛАРИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ ТАРТИБИ. САЙЛОВ ҚУТИСИНИНГ НУСХАСИ

63-модда. **Халқ судьяси қилиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳнома. Халқ судьяси ва халқ маслаҳатчисининг гувоҳномалари**

Халқ судьялари сайловини ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район сайлов комиссияси, тегишли район (шаҳар) халқ суди халқ судьяларини сайловининг якунлари тўғрисидаги ахборот эълон қилинганидан кейин, сайланган ҳар бир халқ судьясига унинг судья қилиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлиги, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетининг юстиция бўлими сайланган ҳар бир халқ судьясига тегишли район (шаҳар) халқ судининг халқ судьяси гувоҳномасини беради.

Район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети, район (шаҳар) халқ судининг халқ маслаҳатчилари рўйхати тасдиқланганидан кейин, сайланган ҳар бир халқ маслаҳатчисига район (шаҳар) халқ судининг халқ маслаҳатчиси гувоҳномасини беради.

64-модда. **Сайлов ҳужжатларининг формалари ва сайлов қутисининг нусхаси**

Сайловчилар рўйхатининг, овоз бериш гувоҳномасининг, сайлов комиссияларининг протоколларининг формалари, сайлов бюллетенининг формаси ва ранги, сайлов қутисининг нусхаси, район (шаҳар) халқ судининг формаси, шунингдек халқ маслаҳатчилари рўйхатининг ва район (шаҳар) халқ суди халқ маслаҳатчиси гувоҳномасининг формалари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан белгиланади.

65-модда. **Сайлов ҳужжатларини сақлаш тартиби**

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ судьялари сайловини ўтказувчи сайлов комиссияларининг ишларига оид материаллар комиссиялар иши тамом бўлгач, шу сайлов комиссиялари томонидан халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитетига топширилади.

Район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишга доир сайлов ҳужжатларини сақлаш тартиби Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан белгиланади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ХАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1981 йил, 27 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДЬЯЛАРИ ВА ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Халқ сайлаб қўядиган совет судьяси расмангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам суд қилиш ва бошқаларни ўргатиш ҳуқуқига эга бўлиши учун халқ ишончига сазовор бўлмоғи ҳамда Ватанга ҳалол ва виждонан хизмат қилиш, совет қонунларини аниқ ва оғишмай бажариш, маънавий софлик ва чинакам одобли бўлиш намунасини кўрсатмоғи зарур.

Сайловчилар ишончини оқламаган ёки халқ судьяси ва халқ маслаҳатчиси деган юксак номга номуносиб хатти-ҳаракатлар қилган район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари сайловчилар томонидан чақириб олинишлари мумкин.

I БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, сайловчилар ишончини оқламаган ёки халқ судьяси ёхуд халқ маслаҳатчиси деган юксак номга номуносиб хатти-ҳаракатлар қилган район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари сайловчилар томонидан чақириб олинишлари мумкин.

2-модда. Район (шаҳар) халқ судининг халқ судьяси ва халқ маслаҳатчисини чақириб олиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, касаба союзлари, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотларининг, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг район, шаҳар, шаҳардаги район органларига меҳнат коллективларига, ҳарбий қисмлар бўйича ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларига берилади, халқ маслаҳатчисини чақириб олиш ҳуқуқи эса, шунингдек, сайловчиларнинг истиқомат жойларида чақириладиган йиғилишларига берилади.

3-модда. Халқ судьяси ёки маслаҳатчисини чақириб олиш масаласини қўзғатган жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, йиғилишлар судья ёки маслаҳатчига нима сабабдан уни чақириб олиш масаласи қўйилганлигини баён қилган ҳолда тегишинча хабар берадилар.

Халқ судьяси ва халқ маслаҳатчиси уни чақириб олиш масаласини ўртага қўйган жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва йиғилишларга бу масаланинг кўйилиши учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар юзасидан оғзаки ёки ёзма шаклда изоҳ беришга ҳақлидир.

4-модда. Халқ судьяси ёки халқ маслаҳатчисини чақириб олиш масаласини қўзғатган жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, йиғилишлар, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг ҳар бир фуқаросига мазкур халқ судьяси ёки халқ маслаҳатчисини чақириб олишни ёқлаб ёки уни чақириб олишга қарши монесиз агитация юргизиш ҳуқуқи берилади.

II БЎЛИМ

РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДИНИНГ ХАЛҚ СУДЬЯСИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

6-модда. Район (шаҳар) халқ судининг халқ судьяси тегишли сайлов округи сайловчиларининг қарорига биноан чақириб олиниши мумкин.

7-модда. Халқ судьясини чақириб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказиш вақтида ушбу Қонун қандай ижро этилаётганлигини кузатиб бориш ва округ бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаб чиқиш учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, касаба союзлари, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкилотларининг, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг вакилларидан, ҳарбий қисмлар бўйича—ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида сайланган вакиллардан иборат составда район, шаҳар, шаҳардаги район комиссияси тузилади.

Халқ судьясини чақириб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район комиссияси раис, раис ўринбосари, комиссия секретари ва унинг 6 тадан 10 тагача бўлган аъзоларидан иборат составда тузилади. Комиссия состави халқ депутатлари тегишли Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланади.

8-модда. Халқ судьясини чақириб олиш масаласи тегишли сайлов округи сайловчиларининг корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, ҳарбий қисмларда ва шу сайловчилар истиқомат қиладиган жойларда чақириладиган йиғилишларида муҳокама қилинади ва ҳал этилади.

Сайловчилар йиғилишлари: меҳнат коллективларида — ушбу Қонуннинг 2-моддасида кўрсатилган жамоат ташкилотлари томонидан, ҳарбий қисмларда— қисмлар қўмондонлиги томонидан, сайловчиларнинг истиқомат жойларида — халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район, поселка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари томонидан чақирилади.

Муайян меҳнат коллективида ишловчи, ҳарбий қисмда хизмат қилувчи сайловчиларнинг кўпчилиги ёки истиқомат жойларидаги сайловчиларнинг кўпчилиги қатнашган тақдирдагина йиғилиш ваколатли деб ҳисобланади.

Халқ судьясини чақириб олиш масаласи юзасидан чиқариладиган қарор очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Йиғилишда президиум сайланади ва протокол юритилади.

9-модда. Йиғилиш протоколида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим: йиғилиш ўтказилган ташкилот ёки аҳоли пунктининг номи; йиғилиш ўтказилган жой ва вақт; мазкур коллективдаги, аҳоли пунктидаги сайловчиларнинг умумий сони; йиғилишда қатнашган сайловчиларнинг сони; чақириб олинаётган халқ судьясининг фамилияси, исми ва отасининг исми; халқ судьясини чақириб олишни ёқлаб ёки уни чақириб олишга қарши овозларнинг овозлар сони.

Сайловчилар йиғилишининг протоколи йиғилиш президиумининг ҳамма аъзолари томонидан имзоланиб, дарҳол халқ судьясини чақириб олишни овозга қўйишни ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район комиссиясига тақдим этилади.

10-модда. Халқ судьясини чақириб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район комиссияси сайловчилар йиғилишларининг протоколларига асосланиб, чақириб олиш ҳақидаги овоз бериш натижаларини аниқлаб чиқади ва бу ҳақда халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитетига маълум қилади. Ижроком халқ судьяси чақириб олинган-олинмаганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон АССР Юстиция министрлиги, халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг юстиция бўлимига маълум қилади.

11-модда. Мазкур сайлов округидаги сайловчиларнинг ярмидан кўпи чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса, халқ судьяси чақириб олинган деб ҳисобланади.

12-модда. Халқ судьясини чақириб олиш тўғрисида овоз бериш натижалари аниқлаб чиқилганидан сўнг беш кундан кечиктирмай бу натижалар халқ судьясини чақириб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район комиссияси томонидан эълон қилинади.

13-модда. Халқ судьясини чақириб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказиш вақтида ушбу Қонун талаблари бузилганлиги ҳақидаги шикоятлар халқ судьясини чақириб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Халқ судьясини чақириб олиш тўғрисида овоз бериш ўтказувчи район, шаҳар, шаҳардаги район комиссиясининг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятлар халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети томонидан кўриб чиқилади.

III БЎЛИМ

РАЙОН (ШАҲАР) ХАЛҚ СУДИНИНГ ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИСИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

14- модда. Район (шаҳар) халқ судининг халқ маслаҳатчиси уни сайлаган коллектив йиғилишининг ёки сайловчилар яшаб турган жойда чақириладиган йиғилишнинг қарорига биноан чақириб олиниши мумкин.

Бундай йиғилишлар сайловчилар ишлаб ёки яшаб турган жойда, ҳарбий қисмлар бўйича эса ҳарбий хизматчилар хизмат қилиб турган жойда ўтказилади.

Йиғилишлар ушбу Қонуннинг 2-моддасида кўрсатилган жамоат ташкилотлари томонидан чақирилади. Сайловчиларнинг истиқомат жойларида ўтказиладиган йиғилишлар халқ депутатлари шаҳар, шаҳардаги район, поселка, қишлоқ, овул Советларининг ижроия комитетлари томонидан, ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари эса ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан чақирилади.

Муайян меҳнат коллективида ишловчи, ҳарбий қисмда хизмат қилувчи сайловчиларнинг кўпчилиги ёки истиқомат жойларидаги сайловчиларнинг кўпчилиги қатнашган тақдирдагина йиғилиш ваколатли деб ҳисобланади.

Халқ маслаҳатчисини чақириб олиш масаласи юзасидан чиқариладиган қарор очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Йиғилишда президиум сайланади ва протокол юритилади.

15-модда. Халқ маслаҳатчисини чақириб олишни ўтказиш вақтида ушбу Қонуннинг ижроси устидан халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети назорат қилиб туради.

16-модда. Сайловчилар йиғилишининг протоколида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим: йиғилиш ўтказилган ташкилот ёки аҳоли пунктининг номи; йиғилиш ўтказилган жой ва вақт; мазкур коллективдаги, аҳоли пунктидаги сайловчиларнинг умумий сони; йиғилишда қатнашган сайловчиларнинг сони; чақириб олинаётган халқ судьясининг фамилияси, исми ва отасининг исми; халқ судьясини чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса, халқ маслаҳатчисини чақириб олинган деб ҳисобланади.

17-модда. Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети халқ маслаҳатчисини чақириб олиш тўғрисидаги йиғилиш протоколини кўриб чиқади ва агар чақириб олиш ушбу Қонунга мувофиқ ўтказилган бўлса, бу ҳақда тегишли район (шаҳар) халқ судининг раисига маълум қилади.

18-модда. Муайян меҳнат коллективидаги сайловчиларнинг, ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларининг, истиқомат жойларидаги сайловчиларнинг ярмидан кўпи чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса, халқ маслаҳатчисини чақириб олинган деб ҳисобланади.

19-модда. Халқ маслаҳатчисини чақириб олиш тўғрисида овоз беришни ўтказиш вақтида ушбу Қонун талабларини бузилганлиги ҳақидаги шикоятлар халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАИДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1981 йил, 27 ноябрь.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қошидаги

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф маълумоти бўлганлар қуйидаги касблар бўйича уч йиллик ўқишга қабул қилинади: контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикаси ремонти бўйича слесарь; ёритиш асбоблари, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи; юқори вольтли электр узатиш линиялари монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.

Ўқувчилар 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул билан мукофотланадилар.

Битириб чиқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг белгиланган формада диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига юборилади.

Урта маълумоти бўлган ва Совет Армияси хизматидан қайтиб келганлар қуйидаги касблар бўйича

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, қувур агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, электр асбоб-ускуналарининг монтажчиси, электр пайвандловчи, теплотехника ускуналари ремонти бўйича слесарь, электромонтёр.

Машғулотлар — группалар тўлгандан кейин бошланади.

Ўқувчилар ўқиш даврида 30 сўм стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофотлари оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар белгиланган формада аттестат оладилар.

Билим юртида ўқувчиларнинг яхши билим олишлари учун яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, спорт тўгараклари, бадиий тўгараклар мавжуддир.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга махсус автобус хизмат кўрсатади.

Билим юртининг ётоқхонаси бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмида 3 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизмат гувоҳномаси ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент область, Оржоникидзе райони ТошГРЭС посёлкаси (152-Олой бозори — Қибрай автобуси ва 115-автобусининг «ТошГРЭС посёлкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча телефонлар: 6-12, 3-18.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.10 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бадиий фильм. 11.35 — Фильм-концерт. 11.45 — Ҳужжатли фильм. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Концерт. 16.45 — Рус тили. 17.15 — Концерт. 18.00 — Горячилар, қаердасиз! 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Экономика — тежамли бўлиши керак. 20.00 — Афғон артистларининг концерти. 20.30 — Кичик ер. Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 2-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.35 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 12.05 ва 17.30 — Немис тили. 10.35 — Уйғониш даври санъати. 11.15 — Жонли ҳотира. 12.40 ва 13.40 — Тарих. 13.10 ва 17.00 — Ота-оналар, сизлар учун. 14.10 — А. С. Грибоедов. Ҳаёти ва ижоди. 15.00 — Ўқитувчи экрани. 15.30 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади? 16.00 — Музикада поэзия. 19.30 — Ф. Энгельс. Ҳаёти саҳифалари. 20.15 — Музикали абонемент. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Пирогов. Бадиий фильм. 23.35 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Фильм-балет. 12.05 — Телефильм. 12.35 — Фильм-концерт. 17.50 — Мультфильм. 18.10 — Қувноқлар даврасида. 18.40 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта! 19.00 — Ахборот. 19.15 — Концерт. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Москва. Кичик ер. Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Л. И. Брежнев китоби асосида. 2-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Икки жангчи. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.30 — Химия. 19.20 — Пойтахт области далаларида. 20.00 — Француз тили. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ёш ижрочилар концерти. 9.35 — Эстрада концерти. 11.15 — КПСС XXVI съезди ривожланган социализмнинг иқтисодий сиёсати ҳақида. 11.25 — Ёшлар учун концерт. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00— Ердамчи хўжалик. 14.00 — Хўжалик ҳисоби амалда. 19.25 — Чанг тароналари. 21.00 —Л. И. Брежнев. «Кичик ер». СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов ўқийди. 22.30—Халқ қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XII да Олтин девор, 3/XII да Баланд қоядаги аёллар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/XIIда Тошкентнинг нозанин маликаси, 3/XIIда Олифта.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ПРОМЕТЕЙ» цири спектакли.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ лабораторияларга бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: ихтиология ва гидробиология;

катта илмий ходимлар: энтомофаглар, ихтиология ва гидробиология (2 ўрин);

кичик илмий ходимлар: ихтиология ва гидробиология, энтомология.

Конкурс муддати — 6 декабргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппаратининг раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Президиум Қабулхонасининг бош консультанти А. И. Мирзаевга отаси

Исмоил МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан самимий ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ҳамда Тил ва адабиёт институти коллективлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими академик-секретарининг ўринбосари, Тарих институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Оҳунованга онаси

Садабхон ИСОҚЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети аппаратининг раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзсовпрофинг масъул ходими Т. Нуралиевга онаси

Майрам ҚУЗИБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти коллективи институтнинг лаборатория мудири, медицина фанлари кандидати, 1953 йилдан бўён КПСС аъзоси

Борий Боҳидович ВОҲИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин кишиларига чуқур таъзия изҳор этади.

Чет эллларда

ХАЛҚ ИШИ УЧУН АТОҚЛИ КУРАШЧИ

Афғонистон Халқ-демократик партияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг қисқача таржимаи ҳолини нашр этди. Бу китобнинг сўзбошисини Афғонистон Халқ-демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал ёзган.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қисқача таржимаи ҳолининг дари тилида нашр этилиши, деб таъкидлаб ўтилади сўз бошида, АХДП аъзолари учун, янги жамият қуриш йўлига ўтиб олган революцион Афғонистоннинг бутун меҳнаткаш халқи учун муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеадир. Курашчи коммунист, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳаёт йўли, деб ёзади Б. Кармал, ўз ҳаётини халқига хизмат қилишдек ажойиб ва олижаноб ишга бағишлаган ҳамма кишилар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ишчидан жаҳондаги энг қудратли давлатлардан бирининг бошлиғи бўлишгача босиб ўтган йўли унинг ажойиб ахсий фазилатлари, шунингдек Ленин ишига содиқ бўлган энг қобилиятли, энг талантли халқ намояндаларини давлат арбоби лавозимига кўтаришдан астойдил манфаатдор бўлган социалистик жамиятга хос ҳусусиятлар рўёбга чиқарган йўл бўлди. Леонид Ильич чуқур ва мустаҳкам ришталар орқали совет халқи билан боғланган.

Совет Иттифоқининг эришган жуда катта муваффақиятлари, КПССнинг энг бой тажрибаси жаҳон социализм системаси ва халқаро коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракати учун жаҳоншумул тарихий аҳамиятга молик бўлиш билан чекланиб қолмайди. Бу муваффақиятлар ёш давлатларнинг ҳаммасини илҳомлантириб, миллий озодлик ва демократик ўзгаришлар учун курашда уларга таянч бўлиб ҳам хизмат қилади. Совет коммунистларининг тажрибаси, деб уқтириб ўтади Б. Кармал, ривожланиб бораётган миллий-демократик революция шароитида биз афғонлар учун билим хазинасидир. АХДПнинг ҳар бир аъзоси ана шу билим хазинасини ўрганиш билан чекланиб қолмай мамлакатимизнинг ўзига хос конкрет шароитида халқимизнинг анъаналарини ҳисобга олиб бу хазинадан моҳирлик билан фойдаланиши ҳам зарур.

Сўзбошида Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқининг озод давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, турли мамлакатларда революцион жараённинг мустаҳкам қонуниятлари ва миллий хусусиятлари тўғрисидаги ленинча таълимотни ривожлантириш ишига жуда катта ҳисса қўшганлиги таъкидлаб ўтилади. Ҳаммамиз, деб ёзади Кармал, Л. И. Брежневнинг Совет — Афғонистон муносабатларини ривожлантиришга зўр эътибор бераётганлигини яхши биламиз. Апрель революцияси яшаши ёки ҳалок бўлиши, мамлакатимизнинг яшаши ёки яшамаслиги, Ватанимизнинг эркин ва мустақил мамлакат бўлиши ёки бўлмаслиги тўғрисидаги масала ҳал этилган пайтда совет халқи кўрсатган ёрдам ва мададни халқимиз ҳеч қачон эсдан чиқармайди.

(ТАСС).

КОБУЛ.

ХИТОЙ ПРОПАГАНДАСИНИНГ СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ ИҒВОЛАРИ

ПЕКИН, (ТАСС). Хитой пропагандаси ўз халқининг на эмас. Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг халқларини ҳам гўё «совет хавфи» борлиги билан чўчитишга зўр бериб уринмоқда. Кейинги вақтларда оммавий ахборот органлари СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини, унинг уруш хавфининг олдини олиш йўлида тинмай амалга ошираётган тадбирларини қасддан бузиб тасвирловчи материалари тобора кўп эълон қилмоқдалар. Газеталар босиб чиқараётган қалбаки харакатларда «Советларнинг ҳарбий базалари», «Совет стратегик кучлари жойлашган районлар», Совет Иттифоқининг «ҳарбий экспансияси» доиралари тасвирлаб берилган.

Турли мартабадаги расмий арбобларнинг нутқларида ҳам Советларга қарши уйдирма ва туҳмат гаплар айтилади. Бу уйдирмалар мақолаларнинг «Урушга шай бўлиб туриш керак», «Бутун халқ — солдатдир» деган шиорлари билан талқин этилади. Масалан, «Жэньмин жибао» газетаси яқинда Синьцзян — Уйғур автоном райони партия комитетининг биринчи секретари Ван Эньмаонинг гапларини босиб чиқарди. У Синьцзянни Совет Иттифоқига қарши курашнинг «қудратли истеҳкоми» ва «қалъаси»га айлантириш керак деб талаб этди.

СССР билан чегарадош видоятда чиқадиган «Хэйлунцзян жибао» газетаси «шимолдан хавф бор» деган гапларни тарқатди. Совет — Хитой чегарасида ҳарбий тадбирлар «кучайтирилди» деган туҳматдан иборат даъволарни илгари сурди.

Хитойда ўзларининг милитаристик тайёргарлигини ва Осиёдаги ҳамда Тинч океан районидаги давлатларга нисбатан экспансиячилик режаларини яшириш учун Советларга қарши пропаганда кучайтирилаётганлиги тамомила аёндир.

Пекин пропагандаси Совет Иттифоқи ва Узоқ Шарқ ҳамда умуман Осиё мамлакатларига нисбатан гўё «хавф туғдираётганлиги» ҳақида ҳар хил уйдирмалар тўниб, Совет Иттифоқининг Узоқ Шарқда манфаатдор бўлган барча мамлакатлар билан, шу жумладан, ХХР билан ишонч тадбирлари борасида конкрет музокаралар олиб бориш тўғрисидаги таклифи хусусида ломмим ҳам демади. Аслини олганда, Хитойнинг оммавий ахборот воситалари КПССнинг XXVI съезди минбаридан эълон қилинган тинчлик борасидаги ана шу таклифни эътиборсиз қолдирди. Бу таклиф Осиёда яхши англанб, маъқулланган эди.

Хитой пропагандаси Советларга қарши беҳаёлик билан кампания олиб бормоқда. Бу кампания тинчликка қаратилган совет таклифлари Хитойнинг ўзида ва бошқа мамлакатларда кўрсатаётган таъсирга қарши хуруж қилиш мақсадини кўзда тутади.

СПОРТ

М. ФОЗИЛОВ ЯНА ЧЕМПИОН

Рус шашкаси бўйича Киев шаҳрида ўтказилган мамлакат чемпионати якунланди. Қизғин спорт курашларига бой бўлган биринчилик мусобақаларида самарқандлик шашкачи Маркиэл Фозилов муваффақиятли қатнашди. У кўлгина кучли рақибларини енгиб мамлакат чемпиони бўлди. Республикамиз вакили мусобақалар давомида ўн етти шашкачи билан беллашди. Моҳир спортчи кучли рақибларга қарши муваффақиятли дона суриб, бирор марта ҳам мағлубиятга учрамади. Ўзбекистонлик спорт мастери мусобақалар давомида 11,5 очко жамғариб биринчи ўринни эгаллади.

Шуниси қувонарлики М. Фозилов ўтган йилги СССР биринчилигида ҳам биринчи ўринни эгаллаган эди. У ўтган йили ҳам барча рақибларидан кўп очко тўплаган эди. Вакилимиз шу билан иккинчи марта мамлакат чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди.

СССР чемпионати баҳсларида кумуш ва бронза медалларининг соҳиблари ҳам аниқланди. Бокулик Борис Симонян билан ленинградлик Виктор Литвинович иккинчи ва учинчи ўринларни ўзаро бўлишиб олишди. Улар 11 тадан очко жамғаришди. Чемпионатда ҳаммаси бўлиб 18 нафар энг кучли шашкачи иштирок этди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мамлакат чемпионатида икки марта ғолиб чиққани учун Маркиэл Фозилов гроссмейстерлик нормасини бажарди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БРЮССЕЛЬ. Бельгияда Коммунистик партия фондига маблағ тўплаш кампанияси муваффақиятли ўтмоқда. «Драпо руж» газетасининг хабар беришича, шу йилнинг ноябрь ойи охирларида Бельгия Коммунистик партияси фондига меҳнаткашлардан жами 2,5 миллион Бельгия франки тушган.

ҚУВАЙТ. Араб мамлакатларида саводсизликни тугатиш проблемалари юзасидан семинар Катар пойтахтидаги Доха шаҳрида бошланди. 15 араб давлати делегацияларини ва бир қанча регионал ташкилотларнинг намояндалари саводсизликни тугатиш йўллари ва методларини кўриб чиқадилар, бу соҳадаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама қиладилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 32-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-55-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-81-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; навбатчиси — 33-90-50. Нашриёт телефон станциясининг

Р. 02374. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 278. 3